

# ХОТИН-ҚИЗЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЖИСМОНИЙ- ЭСТЕТИК МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ

## Ажинияз ХЎЖАМЕТОВ

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Нукус филиали, Нукус шаҳри, Ўзбекистон Республикаси.

**Аннотация.** Ушбу мақолада жисмоний тарбия ва спорт хотин-қизлар саломатлигини тиклаш, мустаҳкамлаш ҳамда ҳимоя қилишнинг муҳим омили экани ҳақида фикрлар баён этилган. Шунингдек, эстетик тарбия, хотин-қизларнинг эстетик дидлари шаклланиши, уларга қандай таъсир ўтказиши ҳамда шахснинг ўзлиги унинг эстетик диди орқали вужудга келиши ҳақида айтиб ўтилади.

**Калит сўзлар:** хотин-қизлар, эстетик тарбия, ахлоқий хулқ-атвор, эстетик дид, талаб-эҳтиёжлар, инсонпарвар, таълим-тарбия.

**Долзарблиги.** Жаҳонда таълим-тарбияни ташкил этиш тизимини ривожлантириш ҳамда жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг стратегик мақсади соғлом турмуш тарзига йўналтирадиган шарт-шароитлар яратиш, хотин-қизларни спортга жалб этиш орқали уларни соғлом турмуш тарзига одатлантириш, маънавий-ахлоқий тарбиялаш, жисмоний-эстетик маданиятини оширишдан иборат. Бу ўз навбатида хотин-қизлар спортини ривожлантириш орқали уларнинг жисмоний-эстетик маданиятини такомиллаштиришда қўлланилаётган восита ва услубиятларнинг тўғри танланиши ҳамда доимий равишда янгиланиб бориши билан узвий боғлиқ. Асосан, хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш, турли ёт ғоялар таъсиридан асраш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик ҳамда кенг дунёқарашга эга бўлган фидоий, ватанпарвар ва соғлом турмуш тарзига амал этишда ҳам ақлий, ҳам ахлоқий, ҳам эстетик тарбиялашнинг назарий-методологик ва педагогик асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё мамлакатларининг етакчи фундаментал назарийчилари томонидан таълим самарадорлигини ошириш, касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш учун соҳада инновацион жараёнларни фаол жорий этишга қаратилган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Асосан, хотин-қизлар спортини ривожлантирувчи,

соғломлаштирувчи стратегиялардан фойдаланишнинг оптимал усулларни ишлаб чиқиш, уларнинг жисмоний-эстетик маданиятига аксиологик муносабатни таркиб топтириш, хотин-қизларда спорт машғулотларининг биологик асослари, менструал цикл босқичларини ҳисобга олган ҳолда аёлларни спорт машғулотларини бошқариш орқали соғлом турмуш тарзини қарор топтириш муҳим омил сифатида эътироф этилади. Шунингдек, хотин-қизларда соғлом турмуш маданияти ва жисмоний сифатларни таркиб топтириш орқали “жисмоний иммунитет”ни ривожлантириш зарурати ҳам алоҳида долзарблик касб этади.

**Тадқиқот мақсади.** Республикамизда хотин-қизлар спорти тараққиёти тенденциялари ва интеллектуал, маънавий-ахлоқий, жисмоний ва эстетик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, илмий-услубий адабиётларни тизимли таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** республикамизда хотин-қизлар спортини жадал ривожлантиришда ушбу соҳанинг таҳлилий натижалари асосида, уларни жисмоний тарбия ва спорт ёрдамида жисмоний ҳамда эстетик ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; республика шароитида хотин-қизлар спорти турларини ривожлантириш орқали уларда эстетик онг ва маданиятини такомиллаштириш

параметрларини кўрсатиш; республикамизда хотин-қизлар спортини дунёга танитишда спорт таълим муассасаларидаги спортчи қизларининг эришган ютуқлари ва натижалари ҳақида ўқувчи ёшларга маълумот бериш асосида уларни эстетик маданиятини такомиллаштиришга йўналтирилган методик асосларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот натижалари ва унинг муҳокамаси.** Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш ва вояга етказишда жисмоний тарбиянинг аҳамияти беқиёсдир. Сўнгги йилларда жисмоний тарбия ва спорт ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бориши билан бир қаторда, хотин-қизларнинг жисмоний-эстетик тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сувратию сийрати гўзаллар орасида қадди-баста келишган, чиройли қизларимиз, аёлларимиз ҳам оз эмас. Буюк адибимиз Абдулла Қаҳҳор сўзи билан айтганда “Ҳовуздан эгилиб бир пиёла сув ололмайдиган”, танбалликка мойил аёллардан фарқли ўлароқ, ҳозирги замонда ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом хотин-қизлар сафи изчиллик билан кенгайиб бормоқда. Айниқса, сўнги йилларда хотин-қизларимизнинг маънавий дунёси, ақлий, жисмоний-эстетик салоҳияти янада юксала бошлаганлиги айтилиши ҳақиқатдир. Давлат раҳбаримизнинг хотин-қизларга кўрсатаётган ғамхўрлик ва эътибори туфайли уларнинг саломатлигини тиклаш, мустаҳкамлаш ҳамда ҳимоя қилишнинг муҳим омилларидан саналган жисмоний тарбия ва спортга бўлган муносабат кейинги йилларда тубдан ўзгарди. Зеро, спорт – ҳамжиҳатлик, дўстлик, ҳалоллик, эзгулик элчиси ва етуклик рамзидир [1].

Хотин-қизлар орасида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш ҳамда уларни эстетик тарбиялаш бугунги кунимизнинг долзарб масалаларидан бирига айланган. Эстетик таълим ва тарбия тарбиянинг бошқа шакллари каби ўз диққат-эътиборини яқка шахс ҳамда ижтимоий гуруҳга қаратиб, умуминсоний ҳамда миллий қадриятларимизни қарор топтиришга хизмат қилади. Тарбия, умуман, ҳар қандай инсон онгига, ҳис-туйғуларига, тасаввурига, дунёқарошига, хатти-ҳаракатига, хулқ-атворида таъсир ўтказишни ўз олдига мақсад ҳамда вазифа қилиб қўяди.

Эстетика (юнон тилидан олинган бўлиб – “ҳис”, “туйғу”) оламнинг ҳиссий қабул қилинишини тадқиқ этувчи фандир.

Эстетика санъат, маданият ва табиатнинг субъектив қабул қилинишини ўрганadi. Эстетика фалсафанинг аксиология соҳасига киради. Эстетика – инсон билан дунё ўртасидаги қадриятли муносабатларнинг ўзига хос тарафларини ҳамда кишиларнинг бадий фаолияти соҳасини ўрганувчи фалсафий фан ҳисобланади. “Эстетика” терминини илмий муомалага немис файласуфи А. Баумгартен (1714-62) киритган. Ўша даврларда эстетиканинг синоними сифатида гўзаллик, санъат, бадий ижод фалсафаси атамалари қўлланилиб келинган. Кейинги йилларда нафосатшунослик ёки нафосат фалсафаси иборалари ҳам эстетикани англатадиган бўлди. Эстетика ўз ичига санъат эстетикаси, табиат эстетикаси, техника эстетикаси, дизайн, спорт эстетикаси, атроф муҳитни гўзаллаштириш ва бошқа соҳаларни ҳам қамраб олади [2].

Халқимиз миллий эстетикаси тараққиёти тарихан минтақавий характерга эга бўлиб, унинг илдизлари дастлаб Авесто китобига, кейинчалик Исломи дини кириб келгандан сўнг, миллий минтақавий эстетика Қуръони карим оятлари ва Ҳадиси шарифдаги “Аллоҳ гўзал ва У гўзалликни севади” деган тамойиллар асосида ривожланган. Бунда буюк машойихлар (Форобий, Ибн Сино) билан ёнма-ён тасаввуф эстетикасидаги кубровийлик (Нажмиддин Кубро), нақшбандия (Баҳоуддин Нақшбанд), жўмардлик (Паҳлавон Маҳмуд) сингари тариқат пирларининг гўзаллик, санъат ҳамда санъаткор борасидаги фикр ва қарашлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Халқимиз эстетикаси тарихида, Темурийлар даврининг алоҳида ўрни бор, Навоийнинг “Маҳбуб-ул-қулуб”, “Мажолис-ун-нафоис”, “Мезон-ул-авзон” асарлари, XV–XVI асрларда юзага келган қатор тазкиралар ҳамда мусиқа назарияси ҳақидаги рисоалар ўзбек эстетикаси ривожига катта ҳисса қўшди. Хонликлар ҳамда чоризм даврида эса халқимиз эстетикаси кўпроқ тазкираларда (Фазлий) ва шеърий шаклларда (Фурқат) ўз ифодасини топган эди. Халқимиз миллий эстетикасидаги юксалиш XIX аср охири ва XX асрнинг бошларига тўғри келади. Бу даврда маърифатчи жадид мутафаккирлари янги эстетик ғояларни ўртага ташладилар, бадий адабиётда, драматургия жанрида маърифатпарварлик ғояларини илгари сурдилар, замонавий театр санъатига асос солдилар. Анбар Отиннинг “Қоралар

фалсафаси” (1910), Фитратнинг “Оила” (1914), кейинчалик “Адабиёт қоидалари” (1926) рисолалари яратилди, Чўлпоннинг бадиий адабиёт, театр санъатига бағишланган кўплаб мақолалари нашр қилинди. Лекин шўролар ҳукмронлиги давридаги тоталитаризм барча фалсафий фанлар қатори эстетикани ҳам синфийлик ва партиявийлик тамойиллари асосида бирёқламалikka, маҳдудликка, сохталикка маҳқум этди. Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк даврлардан бошлаб эстетикага алоҳида эътибор берилди бошланди, эстетик маданият бўйича (М. Нурматов, М. Абдуллаев), эстетик қадриятлар борасида йирик тадқиқот ишлари эълон қилинди. Ҳозирги вақтда кўпгина олимлар эстетика назарияси ва тарихига доир жиддий (Т. Маҳмудов, А. Қурбонмамадов, А. Шер, Б. Хусановлар) изланишлар олиб бордилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, қадимги дунёда, умуман, тарбиянинг мақсади эстетик асосда кўзга ташланган. Масалан, Афлотун ҳамда Арасту каби мутафаккир олимлар таълимотларида эстетик тарбия тизимининг бир-биридан фарқли томонлари бўлгани ҳолда уларда умумийлик ҳам мавжуд бўлиб, у ягона эстетик орзунини қарор топтиришга, ягона ахлоқий хулқ-атвор ва фуқаролик хислат-фазилатларни шакллантиришга хизмат қилар эди.

Эстетик тарбия, энг аввало, хотин-қизларнинг эстетик дидлари шаклланишига ўзининг катта таъсирини ўтказди. Шахснинг ўзлиги унинг эстетик диди орқали вужудга келади. Эстетик дидда хотин-қизларнинг ақлий ҳамда ҳиссий дунёси, талаб-эҳтиёжлари, орзу-умидлари, мақсад ва манфаатлари рўёбга чиқишида ифодаланади. Дид фақат кайфият баҳоларигина эмас, балки инсон фаолияти натижалари воситасида ҳам ифода топади. Хотин-қизлар фаолиятининг барча натижаларида унинг диди акс этади [2].

Эстетик тарбия хотин-қизларнинг талаб-эҳтиёжларида муайян мезон туйғуси ҳам мавжуд бўлишини англатади, бу мезон туйғуси шахсий эҳтиёжни жамият эҳтиёжи билан мутаносиб тарзда қўшиб олиб боришни тақозо этади. Ана шу мезон асосида етукликка эришиш эстетик тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан бири саналади. Мамлакатимизнинг мустақил давлат

сифатидаги тараққиётининг ҳозирги даврида эстетик тарбиянинг ўрни янада юксалмоқда.

**Биринчидан**, ҳозирги даврда инсон омилининг тобора кўпайиб бориши учун зарур шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар яратилмоқда, жамиятнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатаётган одамларнинг эзгу хислат-фазилатлари, фаоллиги, онглилиги ҳамда ижодий яратувчан қобилиятлари намоён булади.

**Иккинчидан**, мамлакатимиз аксарият ёшларининг кўпчилигининг умумий маданияти юксалиб бориши жараёнида янги замонавий техника ҳамда технологияларни ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ишлари тобора ортиб бормоқда.

**Учинчидан**, янги замонавий ишлаб чиқариш муносабатларида бозор иқтисодиёти алоҳида ўринни эгаллаб бораётганлиги қонунчиликнинг тезда ривожланиб амал қилаётганлиги, ёшларимизнинг умумий маданиятини, айниқса, уларнинг эстетик маданияти даражасини такомиллаштиришни таъминламоқда.

**Тўртинчидан**, бугунги кунда илмий-техник инқилоби шароитида электроника, автоматика, кибернетика ва информатика каби фанлар ишлаб чиқариш соҳасини мукамал қилиб қайта куриш учун имкониятлар яратиш беряпти. Бу ҳолат ишлаб чиқариш жараёнида фаолият юритаётган ёшларимизнинг руҳий ҳолатини ҳам тубдан ўзгартиришни, касб-корлик, ижтимоий-руҳий, ахлоқий ҳамда эстетик ҳолатнинг вужудга келишига олиб келмоқда.

**Бешинчидан**, радио, телекўрсатувлар ва “интернет тармоғи” каби оммавий ахборот воситаларининг турмушимизга жадал кириб келиши натижасида интернет ахборот кўламининг тобора ортиб бориши эстетик тарбия аҳамиятининг ҳам тез суръатларда ўсишини таъминламоқда.

**Хулоса**. Хулоса қилиб айтганда, эстетик тарбия – бу эстетик жиҳатдан ривожланган ҳамда ижодий фаол бўлган инсон шахсини шакллантириш демакдир. Эстетик тарбия инсонпарвар моҳиятга, эстетик орзуга мос келадиган воқеликни идрок этиш, баҳолаш ҳамда нафосат қонунлари асосида қайта яратишга қодир бўлган инсон шахсини шакллантиришга мўлжалланган таълим-тарбия соҳаси ҳисобланади.

**Аннотация.** В данной статье говорится об отношении к физической культуре и спорту как важным факторам восстановления, укрепления и защиты здоровья благодаря заботе и вниманию главы нашего государства к женщинам. Также рассматриваются вопросы эстетического воспитания, формирования эстетических вкусов у женщин и их влияние на личность человека.

**Ключевые слова:** женщины, эстетическое воспитание, нравственное поведение, эстетический вкус, потребности, гуманитарное образование.

**Abstract.** This article talks about the attitude towards physical culture and sports as important factors in restoring, strengthening, and protecting health thanks to the care and attention of the head of our state to women. The issues of aesthetic education, the formation of aesthetic tastes in women, and their influence on a person's personality are also considered.

**Keywords:** women, aesthetic education, moral behavior, aesthetic taste, needs, humanitarian education.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. “Суратию сийрати гўзал” // Тошкент ҳақиқати 2007 йил 21 январ.
2. Абдулла Шер, Б. Ҳусанов. “Эстетика” услубий қўлланма., Тошкент. Иккинчи нашири. 2010 й.
3. А. Хожаметов. “Қорақалпоғистонда хотин-қизлар спортини ривожлантириш орқали уларнинг жисмоний-эстетик маданиятини такомиллаштириш” Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ёзилган диссертатсия иши. Чирчиқ – 2023 й.